

**Бухоро вилоят педагог кадрларни қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти**

**“Педагогика-психология, мактабгача ва бошланғич таълим”
кафедраси**

Педагог компетентлиги

БУХОРО 2014

ТУЗУВЧИЛАР: **У. А. Қосимов** - ВПКҚТ ва МОИ педагогика-психология, мактабгача ва бошланғич таълим кафедрасининг мудири, п.ф.н. , кафедра ўқитувчиси М.Гадоева

Такризчилар: “Ижтимоий фанлар “ кафедраси мудири Й.Ҳ.Ҳайдаров
Катта ўқитувчи М.С.Ҳасанова

Ушбу методик тавсия институт ўқитувчилари ва курс раҳбарлари ва малака ошириш курси тингловчилари учун тузилган бўлиб Бухоро вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти илмий кенгашининг 2014 йил 28- декабрда ўтказилган 6- сонли йиғилиш қарорига мувофиқ фойдаланишга тавсия этилди.

Ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти.

Кенг маънода “Инновация” педагогик тизимга янгилик киритиш йўли билан таълим-тарбия жарёнини мақбуллаштириш, сифат ва самарадорлигини оширишни кўзда тутди. Педагогик тизимга киритилган янгилик сифат ва самарадорликка салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Биз тизимга унинг ички захира ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида киритилган янгиликларнигина инновация деб тушунамиз. Педагогик тизимни такомиллаштириб, юқори сифат ва самарадорликка эришишга оид ғоя, назария, қоида, шакл, методлар ва воситалар тизимини педагогик инновациялар сифатида қабул қилиш мумкин. Сўнгги 20-25 йил давомида педагогик тизимга кўплаб янгиликлар киритилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мисол сифатида янги концепциялар, инвестициялар, ДТС, тестлар, муқобил ўқув режалар, янги турдаги ўқув юртлари, технологиялар ва шу қабиларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кунда янги техника ва технологиянинг кириб келиши ҳам амалий ҳам назарий билимга эга бўлган махсус фанларни яхши ўзлаштирган малакали кадрларни етиштириш талаби асосида ўқувчиларга дарсларни ҳозирги даврда замон талабларига жавоб берадиган янги педагогик технологиялар асосида олиб бориладиган дарсларгина ўқувчиларга яхши билим беради.

Ўқувчиларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида сўз борганда таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор. Бу масала “Соғлом бола йили” Давлат дастурида ҳам асосий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган.

Ҳозирги замонавий таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини,

педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, таълимнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган. Шунингдек ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятининг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда жаҳон тажрибасидан кўриниб турибдики, таълим жараёнига таълимнинг янги, замонавий усул ва воситалари кириб келмоқда ва улар ўқув машғулотларида кенг кўламда самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришда инновацион ва замонавий педагогик ғоялар амалга оширилмоқда. Шу боис, ўқитувчи билим олишнинг ягона манбаи бўлиб қолиши керак эмас, балки ўқувчи мустақил ишлаш жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси, ўқув жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиши лозим. Замон талабларига жавоб берадиган фидоий изланувчан янгиликга интилувчан ташаббускор касбий билимларга эга кадрларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришда инновацион технологияларининг ўрни ҳозирги кун мутахасиси замон билан ҳамнафас бўлмоғи лозим.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш ўқувчиларда зарур билим ва малакаларни ҳосил қилиш юксак инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳмиятга эгадир. Машғулотларга оид дидактик, кўргазмалар, мултимедия, компьютер воситалари ва иновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотларни олиб бориш бу борада кутилган натижани беради.

Замонавий ўқитувчи компетентлиги

Республикамизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгилаб берилган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиб борилаётганлиги натижасида замонавий таълим тизимига муваффақият билан жорий этилаётганлиги замон талабларига мос ҳар томонлама ривожланган юксак ижтимоий-психологик хусусиятларга эга малакали мутахассис кадрларни тайёрлашни таъминлайди. Ана шундай замонавий талабларни муваффақият билан амалга ошириш замонавий ўқитувчининг компетентлик даражасига чамбарчас боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан педагогика таълим тўғрисидаги фан инсон ҳаётий тажрибаларини бойитиш орқали ривожлантиришдир.

Ўқитувчи компетенцияси – унинг назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаси, дунёқараши, эътиқоди ва барча шахсий индивидуал ижтимоий психологик сифатларининг намоён бўлишидир. Таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири, бу – ўқитувчининг ўз фани бўйича компетенцияга эга бўлишидир. У педагогик мослашув тизими асосида намоён бўлади. Булар:

- илмий билиш;
- гносеологик билиш;
- педагогик фаолиятни эпчиллик, омилкорлик, моҳирлик билан бажара олиш;
- ҳар қандай муаммоли вазиятларнинг самарали ечимини топишга ижодий креатив ёндашиш;
- таълимий, тарбиявий таъсир жараёнида юксак ижтимоий психологик хусусиятларни намоён этиш;
- ўзининг интеллектуал, когнитив, эмотив, ахлоқий салоҳиятини, ўрганиш ва ички психологик захирасидан самарали фойдаланиш орқали ўзини муттасил ривожлантириш.

- жамият ва инсонларга, табиатга борлиққа ижобий эмоционал муносабатда бўлиш ижобий позитив фикрлашга ўтиш тажрибасидан иборат.

Таълим жараёнига инновацион педагогик ва компетенциявий ёндашув

Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модуль вужудга келтирилган илмий – техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу – мамлакатимиз жаҳондаги иқсидодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади ” деб такидлаб ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг “Умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва уқув дастурларини ишлаб чиқиш тўғрисида

“2013- йил 4-июндаги қўшма қарори қабул қилинди. Шу мақсадда республикамызда 14 та академик литцей ва 14та касб ҳунар- коллежида Умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълимнинг компетенциявий ёндашувига асосланган ДТС лойиҳалари кўриб чиқилмоқда

Аввало компетенция,компетенциявий ёндашув нималигини билиб олсак.

КОМПЕТЕНСИЯ - олинган назарий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуаси.

“Компетенсия” лотинча сўздан олинган бўлиб, “ўз касбига яроқли, лойиқ” деган маънони билдиради.

Ўқитувчи компетенсияси – унинг билим, кўникма ва малакаси, дунёқараши ва шахсий сифатларининг намоён бўлишидир.

Компетентлик- олинган назарий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуасини амалиётга мустақил ва ижодий қўллаш олиш даражаси

Ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим моделининг марказида ўқувчи туради. Ҳар бир кадам, ҳар бир мақсад ўқувчининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланади. Коммуникатция воситалари инқилоби, ахборотнинг тошқиндек ортиб бориши ва дунёдаги ўзгаришлар бизнинг **яшаш, тафаккур қилиш** ва **мулоқот тарзини** ўзгартиради. Демак, замонавий таълим олдида ёшларни умуман янги шарт – шароитларда яшашга ўргатиш вазифаси турибди. Эътибор берган бўлсангиз, кўпчилик олим ва педагог – новаторлар анъанавий ўқитиш шакл ва усуллари ҳаётни замонавий талабларига мос келмаслигини англаб етган ҳолда XX асрнинг иккинчи ярмида муқобил усулларни изланишни бошлашди ва натижада **интерфаол ўқитиш** ёндашуви юзага келди.

Бугунги кунда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни, интерфаол методларни қўллаш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Болаларга таълим, билим, малака бериш билан бирга, ўз касбига, ўз ишига меҳрли бўлишни, иш вақтида унга бутун вужуди билан берилиб кетишини ўргатишимиз ва ўқтиришимиз даркор деб ўйлайман. Бу борада Компетентциявий ёндашув айти муддао бўларди. Таълим сифатини белгиловчи омиллардан бири бу ўқитучининг ўз фани бўйича компетентсияга эга бўлишидир. У педагогик мослашув тизими асосида намоён бўлади.

Ўқувчилар компетенцияс ини оширишда тренингларнинг ўрни ва роли.

Буюк файласуф Конфуций айтган эди: “Мен нимани эшитсам, унутаман, нимани кўрсам хотирамда сақлайман, нимани ўзим қилсам, тушунаман”.Шунинг учун таълим жараёнида ўқувчиларга фаол бўлишни талаб этадиган услубларда дарс ўтиш яхши натижа беради.Ана шундай услуб тренинглар тарзида билим беришдир. Тренинг-интерфаол услублар билан таълим бериш, қабул этилган ахборотларни қўллаш ва муҳокама этиш деганидир. Тренинг услубида аввало машғулоти ўтказувчи тренер махсус тайёргарлик кўрган, малакасини оширган бўлиши лозим. Тренинг жараёнида ҳар бир иштирокчига ўрганаётган материални ўзлаштиришда яхши қобилият борлигини ҳис этишга имкон берилади. Барча тренинглар ўз таркибий тузилмаларига эга. Тренинг ўтказиш таркиби модулдир.Тренинг модули қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мақсад ва вазифалар;
- регламент;
- сессиялар(модулнинг алоҳида қисмлари, улар тўртдан кўп бўлмаслиги лозим.

Тренингда аудиториянинг ёш даври хусусиятига эътибор бериб, уларнинг тилида сўзлашиш лозим. Махсус термин ва тушунчаларнинг луғатини бериб, изоҳлаб бориш керак. Тренинг қулай шаротда, қатнашувчиларнинг бир-бирларига ишончли муносабатларига асосланиши талаб этилади. Шунинг учун тренингларнинг асосий қисми танишув ва ишлаш қоидаларини қабул этишдир. Булар демократик жамиятнинг тараққиёт манбаи бўлиб ҳисобланади.

Тренинглар мувафақиятли ўтиши учун таълимнинг қуйидаги усул ва услублари қўлланилади:

- *иллюстрация ва кўргазма материалларни намойиш этиш;

- * ақлий хужум;
- * гуруҳлардаги баҳслар;
- * аудио визуал воситалар;
- * ролли ўйинлар;
- * вазиятли вазифалар;
- * тренинг ўтказишнинг биринчи қадами –танишувдир.

Барча фанлардан тренинг ўтказишда биз танишувнинг қуйидаги вариантларини таклиф этамиз.

Гуруҳлар жуфтларга бўлинади. Жуфтлар бир-бирининг исмининг маъноси, ким ва нима учун бу исмни қўйганлиги билан танишадилар ва ўз шериклари ҳақида бу маълумотни айтиб берадилар.

Бу машқ кейинги дарсларда исмларда яширинган ғояларни очишга ёрдам беради.

Тренинг ўтказишнинг иккинчи қадами –ўқувчилар билан қоидаларни қабул этиш.

Ўқувчилар ўртасидаги тренинг даврида ишонч ва эркинлик бўлиши, таълим мувафаққияти ўтиши учун ўзаро келишилган ҳолда ишлаш қоидаларини қабул қилиш зарурлиги айтилади. Ўқувчилар билан бирга бу қоидалар ишлаб чиқилади ва уни бажариш зарурлиги келишилади. Ўқувчилар билан ишлаш қоидалари тахминан қуйидагича бўлади:


- Ўз вақтида келиш;
- Ижобий бўлиш;
- Навбат билан қисқа ва мазмунли гапириш;
- Танқид этмаслик;
- Ўз номидан гапириш;
- Сир сақлаш;
- Ихтиёрийлик;
- Ишорани сезувчанлик;
- Тенглик;

Тренинглар ўқув жараёнида амалий машғулотларни ўтиш услублари сифатида қўлланилганда яхши натижа беради.

Педагогнинг компетентлигининг психологик жиҳатлари

Республикамизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгилаб берилган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиб борилаётганлиги натижасида замонавий таълим тизимига муваффақият билан жорий этилаётганлиги замон талабларига мос ҳар томонлама ривожланган юксак ижтимоий-психологик хусусиятларга эга малакали мутахассис кадрларни тайёрлашни таъминлайди. Ана шундай замонавий талабларни муваффақият билан амалга ошириш замонавий педагогнинг компетентлик даражасига чамбарчас боғлиқдир.

Таълим инсоннинг(таълим олувчининг) ҳаётий тажрибаларини бойитиш орқали ривожлантириш бўлиб у жараён ёки оқибат натижа сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан педагогика таълим тўғрисидаги фан инсон ҳаётий тажрибаларини бойитиш орқали ривожлантиришдир. Шахснинг структуравий иерархиясида таълим ва шахс ҳаётий тажрибаси ривожланишини қуйидаги контекстда схематик ифода этиш мумкин:



ЎРГАНИШ -бу шахс тажрибасининг ривожланиши бўлиб у ўз навбатида қуйидаги унсурлардан таркиб топади:

1. Индивидуал билим
2. Маълум бир фаолиятни муваффақиятли омилкорлик, моҳирлик билан эплай олишлик, қила олишлик қобилиятлари-компетенция.
3. Малака
4. Одатлар

Аввало **компетенция** тушунчасини изоҳлаб ўтсак.

“Компетенция” лотинча сўздан олинган бўлиб, **“ўз касбига яроқли, лойиқ”** деган маънони билдиради. Компетенция – бу нафақат олинган назарий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуаси, балки олинган назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуасини амалиётга мустақил ва ижодий қўллай олиш даражасидир.


Компетенция - Маълум бир фаолиятни муваффақиятли омилкорлик, моҳирлик билан эплай олишлик, қила олишлик қобилиятлари бўлиб, у

эгалланган назарий ва амалий билимлар, малакалар ва кўникмалар асосида намоён бўлади.

Компетенция шахснинг мураккаб таълимий структураси бўлиб, у ўзида шахснинг сенсор, субсенсор ва экстрасенсор, сенсомотор, идео динамик(идеомотор, идеосенсор, идеоэмотив, идеокогнитив) интеллектуал, иродавий, креатив , эмоционал сифатларини ўзида жамлаганки, улар фаолиятдан кўзланган мақсадга унинг ўзгариб боровчи шароитида амалга ошувини таъминлайди.

Шундай қилиб компетенция шахснинг юксак сифатий хислати бўлиб, унинг шаклланиши таълимнинг ҳал қилувчи оқибат, натижаси ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб, компетенцияни қуйидагича схематик ифода этиш мумкин бўлади:



Ўқитувчи компетенцияси – унинг назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаси, дунёқараши, эътиқоди ва барча шахсий индивидуал ижтимоий психологик сифатларининг намоён бўлишидир. Таълимнинг сифат ва самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири, бу – ўқитувчининг ўз фани бўйича компетенцияга эга бўлишидир. У педагогик мослашув тизими асосида намоён бўлади. Булар:


- илмий билиш;
- гносеологик билиш;
- педагогик фаолиятни эпчиллик, омилкорлик, моҳирлик билан бажара олиш;
- ҳар қандай муаммоли вазиятларнинг самарали ечимини топишга ижодий креатив ёндашиш;
- таълимий, тарбиявий таъсир жараёнида юксак ижтимоий психологик хусусиятларни намоён этиш;
- ўзининг интеллектуал, когнитив, эмотив, ахлоқий салоҳиятини, ўрганиш ва ички психологик заҳирасидан самарали фойдаланиш орқали ўзини муттасил ривожлантириш.
- жамият ва инсонларга, табиатга борлиққа ижобий эмоционал муносабатда бўлиш ижобий позитив фикрлашга ўтиш тажрибасидан иборат.

Замонавий ўқитувчининг компетентлик соҳасини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Намоён бў-ши Комп-тлик тури	Билим	Муносабат	Амалга ошириш қобилияти
Касбий компетенция	Давлат талаблари, замонавий эҳтиёжлар даражасида фаннинг мазмун	Адолатли ва ҳалол юксак ахлоқий хусусиятларни ўқувчи билан ҳар томонлама	Ўқув жараёнини замонавий педагогик ва психологик технологиялар асосида

	моҳиятини тушунади ва англайди.	ҳамкорлик орқали муомалада рўёбга чиқара олиш	муваффақиятли амалга ошириш орқали, кутиладиган натижага тўлиқ эришиш
Ижтимоий компетенция	Ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини, ваўтида илғаш, ҳис-туйғу, эмоционал ҳолатларини тушуниш, англаш	Ўқувчиларни ва ҳамкасбларини тўғри тушунади, улар ҳақида нотўғри салбий фикрга бормаслик	Ўқувчилар, ҳамкасблар, ота-оналар жамоатчилик ва раҳбарият билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиш
Шахсий, индивидуал компетенция	Ўзининг интелектуал, когнитив кучли томонларини ва камчиликларини илғаш, уларни узлуксиз ўрганиш орқа али бартараф қилиб бориш	Ўзининг кучли томонларини қадрлайди ва камчиликларини тан олиш, бутун бор кучини хатоларни тузатишга ўзини ҳар томонлама серқирра ривож учун ички ва ташқи омиллар, имкониятлардан самалали фойдаланиш олиш	Ўзининг нимага қодирлигини тан олган ҳолда ўзининг индивидуал психологик интелектуал когнитив салоҳиятини янада ривожлантиришни давом эттириш

Ўқитувчининг компетенциянинг психологик пирамидаси.



Адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: «Шарк», 1999.
2. Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. – Т.: Университет, 2000.
3. Толипов У., Усмонбоева. М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005.
4. Пранцкуне Э., Грудене С ва бошқ. Новые роли и компетенция учителя. Литва.- 2011.